

**ТОФИҚ НЕЖЕФЛИНИНГ “ОЗАРБАЙЖОН САФАВИЙЛАРИ
ИМПЕРИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ХОНЛИКЛАРИ БИЛАН СИЁСИЙ
АЛОҚАЛАРИ” КИТОБИ ТАҲЛИЛИ**

Тўлқин Эшқулович МАМАТҚОБУЛОВ

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти

Тошкент, Ўзбекистон

tolqinmamatqobulov@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Тофиқ Нежефлининг “Озарбайжон Сафавийлари империясининг Туркистон хонликлари билан сиёсий алоқалари” асарининг Бухоро хонлиги ҳамда Сафавийлар сулоласи ўртасидаги дипломатик алоқалари ушбу давр тарихшунослиги нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: Тофик Нежефли, Аштархонийлар, Сафавийлар, Бобурийлар, Шоҳ Хуросон, Имом Қулихон, Надр Муҳаммад, Аббос I, ташқи сиёсат алоқалари.

**АНАЛИЗ КНИГИ «ПОЛИТИЧЕСКИЕ ВЗАИМООТНОШЕНИЯ
АЗЕРБАЙДЖАНСКОЙ ИМПЕРИИ СЕФЕВИДОВ С
ТУРКЕСТАНСКИМИ ХАНСТВАМИ» ТОФИКА НЕДЖЕФЛИ**

Тулқин Эшқулович МАМАТҚОБУЛОВ

Базовый докторант

Институт истории Академи наук Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

tolqinmamatqobulov@gmail.com

Аннотация

В данной статье с точки зрения историографии этого периода были сравнительно проанализированы дипломатические отношения между Бухарским ханством и династией Сефевидов в работе Тофика Неджефли «Политические взаимоотношения Сефевидской империи Азербайджана с Туркестанскими ханствами».

Ключевые слова: Тафик Неджефли, Аштарханиды, Сефевиды, Бабуриды, Шах Хорасана, Имам Кулихан, Надр Мухаммад, Аббас I, внешнеполитические связи.

Тофиқ Нежефлининг “Озарбайжон Сафавийлари империясининг Туркистон хонликлари билан сиёсий алоқалари” номли асари Бухоро хонлигида XVII-XVIII асрнинг ўрталаригача ҳукум сурган Аштархонийлар сулоласи билан Сафавийлар сулоласи ўртасидаги сиёсий алоқаларнинг

айрим масалаларига бағишланган. Ушбу тадқиқот шу соҳага оид сўнгги йирик тадқиқотлардан бири саналади.

Бевосита асарга тўхталадиган бўлсак, асар кириш, уч боб, ўн бир параграф ва хулоса қисмидан иборат.

Мавзу доирасида баъзи муаммолар В.Бартольд, А.Семёнов, М.Маклай, З.В.Тўғон, Б.Аҳмедов, Р.Мукминова, Г.Агзамова, Н.Аллайева, А.Алексеев, А.Замонов ва бошқа бир қатор тарихчилар томонидан ўз тадқиқотларида ёритиб ўтилган ҳамда мазкур тадқиқот хулосалари Т.Нежефлининг мавзу юзасидан берган хулосаларидан кўп ҳам фарқ қилмайди.

Ушбу тадқиқотда тарих фанининг матншунослик таҳлили, қиёсий таҳлил каби методларидан кенг фойдаланилди. Асарнинг биринчи боби Сафавийлар империяси ва XVI асрда ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи ўртасидаги ҳарбий-сиёсий алоқалар тарихига бағишланади. Муаллифнинг мазкур боб бўйича хулосаси ушбу давр билан шуғулланувчи бошқа тадқиқотчиларнинг хулосаларидан ҳам унчалик фарқ қилмайди. Жумладан, у бошқа тадқиқотчилар каби Аббос I нинг ҳокимият тепасига келиши билан Сафавийлар мавқеининг ошишига айна шу пайтда Абдуллахон II нинг ўлими ортидан Бухоро хонлигида стагнация ҳолатининг вужудга келиши Сафавийлар империясининг Хуросон учун курашда қўли баланд келишига олиб келди, дея хулосаланган фикрни бериб ўтади.

Аммо, ушбу бобда муаллиф томонидан илгари сурилган фикрларда баъзи жузъий камчилик ва ноаниқликлар ҳам учрайди. Масалан, унда, Хуросон учун курашда икки томоннинг конфронтацияга бўлинишида диний омилларнинг роли ҳақида етарлича асосланган маълумотлар келтирилмаган. Муаллиф томонидан Хуросон учун курашда асосий мотив сиёсий амбиция, катта ҳудудларни ўз давлати ҳудудига қўшиб олишдан иборат деб ҳисоблайди. Унга асос бўлган воқелик айна вақтда, дин билан ҳам боғлиқ саналганлиги туфайли бу масалага чуқурроқ эътибор қаратилиши зарур эди. Муаллифнинг ёзишича, Сафавийларнинг хатти-ҳаракатида кўпроқ моддий бойликлар ва мулкларни қўлга киритиш мақсади ётган. Бироқ бу

жараёнларда диний илмлар, мазҳаблар ўртасидаги келишмовчиликлар масаласига етарли эътибор қаратилмаган. Асар Сафавийлар қўлидаги форсларнинг Туркистон хонликларида қул қилиниши, бу борада савдонинг кенг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Диний фатволар масаласи муаллифнинг назаридан четда қолган. Зеро мусулмон мусулмонни қул қилиши муносиб эмас эди. Шунингдек, Сафавийларнинг Балхга ҳужумидаги диний томондан оқлайдиган уламолар томонидан чиқарилган фатволар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилмайди. Бу ҳолат ушбу масалалар бўйича манбавий маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ёки муаллиф ушбу масалаларда чуқурлашмаганлигини кўрсатади.

Бу ўринда шуни қайд қилиш лозимки, кейинги асрларда ҳам Бухоро ва Хива хонликларида қул савдоси авж олганлиги, унда форс қуллари билан фаол савдо оширилганлиги бу масалаларнинг ҳуқуқий асоси – тегишли фатволар мавжуд бўлган, деган фикрни илгари суришга имкон беради.

Китобнинг иккинчи боби XVII асрнинг биринчи ярмида Сафавийлар империясининг Туркистон хонликлари билан ҳарбий-сиёсий алоқалари, деб номланиб, унда муаллиф бир қанча масалаларга эътибор қаратган. Улардан бири Шох Аббос I даврида Бухоро хонлиги билан ҳарбий-сиёсий алоқалар масаласи бўлиб, унда асосий эътибор Аббос I нинг шарққа ҳужуми, яъни Балхга ҳужуми манба ва адабиёт маълумотлари орқали атрофлича кўрсатиб берилади. Ушбу масалалар таҳлилида муаллиф Аббос I нинг Аштархонийлар билан бўлган муносабатларига тўхталиб ўтади. Унда Балхнинг ўрни ҳақида ёзар экан, асосан Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламорои Аббосий” асарига кўпроқ таянган ҳолда маҳаллий халқ аштархоний Боқи Муҳаммаднинг тахтга келишини ёқлаган бўлса, Аббос I нинг мақсади ҳудудда таъсир доираси камайган, аммо легитимлик масаласида даъвоси мавжуд бўлган шайбонийзодаларни Балх тахтига ўтқозиш саналган [12;1075-1080]. Аммо муаллиф асарда Сафавийларнинг Бобурийлар империяси билан алоқалари тарихига бағишланган тадқиқоти бўлишига қарамасдан, ҳудудга эгалик қилиш борасида Бобурийларнинг даъвоси масаласини очиқ

колдиради. Шунингдек, асарда юқорида қайд қилинганидек, шоҳнинг Балхга бостириб киришини ёқлайдиган диний фатво берилган ёки берилмаганлиги кўрсатилмаган. Аббос I нинг Балхни эгаллаши унга Ўрта шарқда асосий сиёсий фигурага айланишига имкон берди, деб ҳисоблаган. Шу ўринда муаллифнинг асосий манба сифатида Сафавийлар манбаларига таяниб хулоса бериши, Туркистон хонликларида мавжуд бўлган манбалардан жуда кам фойдаланганлиги келтирилган маълумотларни қайта кўриб чиқишга ундайди.

Масалан, Аббос I томонидан Балх тахтига олиб келиниши керак бўлган Муҳаммад Иброҳим шахси ким эканлиги кўпроқ Муҳаммад Юсуф Мунший ва Искандарбек Муншийнинг маълумотларини таққослаш орқали берилади.

Муаллиф бу шахс ҳақида бошқачароқ фикр билдиради. Унинг ёзишича, Муҳаммад Иброҳим Хуросонда шиалик одатлари бўйича тарбияланган шайбоний ҳукмдор эди. Муҳаммад Юсуф Мунший асарида эса, Муҳаммад Иброҳим тахт учун бўлган курашлар натижасида Сафавийлар юртига қочиб кетганини кўриш мумкин. Бухоро хонлигига тегишли манбалардан бири бўлган Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарида 1600 йилда Балх тахтига келган Муҳаммад Иброҳимни баджаҳл, шиа мазҳаби негизида шаклланган, кўпроқ майга ва маишатга ружу қўйган шахс сифатида кўрсатилади [8;75-77]. Китобда Тофиқ Нежефли Аббос I нинг Балх ва унинг атрофидаги юришларининг муваффақиятсизликка учраши сабаби унинг Кавказ ва Ироқ атрофидаги ерлар учун Усмонли турклар билан олиб борган жанглари эди, деб кўрсатади. Зеро бу кураш натижасида Сафавийларнинг ҳарбий қудрати заифлашди [6;342].

Китобнинг иккинчи бобидаги иккинчи ва учинчи параграфлари Шоҳ Сафи I ва Аббос II давларида Бухоро ва Хива хонликлари билан алоқалар тарихи масалаларига бағишланган. Муаллиф ушбу параграфларни ёритиш жараёнида эронлик, турк ва ўзбек тадқиқотчилари ишларига мурожаат этган. Бундай ёндашув ишнинг илмий қийматини оширган. Аммо юқорида келтириб ўтилган камчилик – ҳиндистонлик олимлар масалага қандай

ёндашганлиги яна очик қолган (асарда фақатгина Ҳаким Ҳозик дипломатик миссиясидан баъзи иқтибослар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш зарур) [8;89].

Ушбу даврда минтақа давлатлари ва Сафавийлар ўртасидаги муносабатлар нисбатан илиқлашган. Муаллиф томонидан бунинг асосий сабаби сифатида шоҳ Сафи I, Аббос II нинг Аббос I каби сиёсий кучга эга эмаслиги, унинг Усмонлилар билан ўзаро кураши ва Аштархонийлар ҳокимиятининг мустаҳкамланишини кўрсатади. Бу даврда Сафавийларнинг Хива билан муносабатлари илиқ бўлиб, муаллиф бунинг сабаби сифатида, унга Бухоро хонлигини тийиб туриш воситаси сифатида қаралганлиги, деб келтиради. Жумладан, Надр Муҳаммаднинг Хоразмга юриши пайтида ҳамда Абулғози Баҳодирхонга Сафавийларнинг кўмак бериши бунга мисол бўлади. Лекин бу доимий равишда муносабатлар дўстона бўлган, деб қаралишига асос бўлмайди. Хусусан Анушахон даврида икки давлат уруш ҳолатида бўлган [3;20-30].

Асарнинг III боби XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг бошларида Сафавийларнинг Туркистон хонликлари билан ҳарбий-сиёсий алоқаларига бағишланган. Мазкур боб 2 параграф (3 подпараграф) дан иборат.

Бу бобда Шоҳ Аббос II нинг хонликлар муносабатлари ёритилади. Муаллиф бу бобда Сафавийлар билан Аштархонийлар ўртасидаги муносабатларни манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда таҳлилий очиб беришга ҳаракат қилган. Бу ўринда Аббос II нинг даврини ёритишда бирламчи манбаларга ҳамда адабиётларга таянган. Муаллифнинг жузъий камчилиги сифатида шуни кўрсатиш керакки, У Туркистондаги манбалардан фақатгина Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” ва Муҳаммад Замон Бухорийнинг “Муҳит ат-Таворих” китобларига мурожаат қилган. Унинг шу даврда яратилган бошқа манбалар билан ишлаганлиги кўринмайди. Бу ҳолат у фойдаланган илмий адабиётлар борасида ҳам кўринади. Яъни муаллиф ушбу масала доирасида Ўзбекистонда яратилган илмий адабиётларга жуда кам мурожаат қилган. Боб ичидаги воқеаларга

келинадиган бўлса, муаллифнинг фикрига асосан, Сафавийлар бу пайтда Туркистон хонликлари билан турғун алоқалар ўрнатган. У Сафавийларни Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги мувозанатни ушлаб турувчи марказ сифатида гавдалантирган. Бобда Бухоро ва Хива хонликларининг позициясини Сафавийларга бўйсунувчи позиция деб кўрсатишга ҳаракат қилинган. Сафавийларнинг давлат ичида юритган ички сиёсатини мамлакат тинчлиги учун юритилган сиёсат деб баҳолайди. Ушбу бобда муаллиф эътиборидан четда қолган бир масала бўлиб, бу ўша даврда Бобурийлар ва Усмонли туркларнинг Сафавийларга кўрсатган сиёсий таъсирини деярли кўрсатмайди.

Кейинги параграфда Шоҳ Сулаймон ва Шоҳ султон Ҳусайн даври ёритилган. Муаллиф уларнинг ҳокимиятга келиши ва бошқарувини атрофлича ёритади. Унинг фикрича, Сафавийларнинг заифлашувига шоҳларнинг давлатда асосий фигура ролидан чиққанлиги, уларнинг асосан, ҳарам ишлари билан машғуллиги сабаб бўлган эди. Бу шоҳларнинг Бухоро хонлиги билан муносабатларини ёритишда юқоридаги сабаб ва яна шарқдаги ички муаммолар деб кўрсатади.

Эрон бу даврда ҳам Туркистондаги Хива ва Бухоро хонликлари билан муносабатларда икки давлат ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиш йўлидан борди. Муаллиф яна ушбу масала доимо Эрон учун устувор дипломатик йўналиш сифатида кўрилганлигини эътироф этади.

Китоб ҳақида шундай хулоса қилиш мумкинки, муаллиф жараёнлар динамикасини тахлилий очиб беришга ҳаракат қилган. Жараёнларда муаллиф характери ҳам кўзга ташланади. Асар Сафавийлар сулоласи манфаатларини ҳимоя қилиш руҳида ёзилганлиги сезилиб туради. У Туркистон хонликлари билан яхши бўлишга интилган ва шунингдек, хонликлар ўртасида назорат қилиб турувчи империя сифатида кўрсатилган.

Туркистон хонликларининг Сафавийларга тобеларча ёндашувини (айрим ҳолатда хонларнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатларини) хонликлардаги ички муаммолар, давлатларнинг сиёсий тарқоқ эканлиги

дейилади. Хонликларнинг Сафавийларга хужумини эса у сулоладаги ички муаммолардан фойдаланишга ҳаракат сифатида баҳолаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ахмедов Б. А. История Балха (XVI – первая половина XVIII в.). – Тошкент, 1982.
2. Агзамова Г.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их с Россией: (вторая половина XVI-первая половина XIX в.): автореферат дис. ... кандидата истор. Наук. – Ташкент: АН УзССР. Ин-т истории, 1990. – 21 с.
- 3.Allayeva N.A. Xiva xonligi diplomatiyasi (XVI-XIX asrlar). – Тошкент, 2018. – 272 б.
- 4.Алексеев А. К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. – СПб.: Изд-во Санкт Петерб. ун-та, 2006. – 229 с.
5. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Сов. востоковедение. V. – Москва-Ленинград: Изд-во АН СССР, 1948.
- 6.Миклухо-Маклай Н.Д. Балхский поход шаха Аббаса I // Страны и народы Востока. Выпуск XXII. Средняя и Центральная Азия. География, этнография, история. Книга 2. – Москва: Наука, 1980.
7. Мукминова Р. Г. Стольный град ханства – Хива // Общественные науки в Узбекистане. 1997. – № 7-8. – С. 25.
8. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Пер. А.А.Семёнова. –Ташкент, 1956. – 303 с.
- 9.Сочинения: в 9 т. /Редакционная коллегия: А.М.Беленицкий, А.Н.Болдырев, Ю.Э.Брегель, И.Н.Винников, Б.Г.Гафуров, А.Н.Кононов, М.Е.Массон, И.П.Петрушевский, А.С.Тверитинова, И.И.Умняков. – Москва: Восточной литературы, 1963.

10.Zeki Velidi Togan, Sur l'origine des Safavides, в Мélanges Louis Massignon, Institut franais de Damas, 1957, c. 345-357.

11.Zamonov A., Subhonov F. Ashtarxoniy hukmdorlar. – T.: 2021. – 136 b.

12.Dünyanı bəzəyən Abbasın tarixi (Tarix-i aləmara-yi Abbasi). Müəllif: İsgəndər bəy Münşi Türkman. Fars dilindən çevirən: Şahin Fərzəliyev (Şahin Fazil). Baki. 2010. – 2505 s.